2014 ЙИЛ 19 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 35 (12.596)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Аскар Ёкубов (ЎзА) олган сурат

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ТАНТАНАЛИ КУЗАТИЛМОҚДА

Пойтахтимиздаги «Ватанга қасамёд» ҳайкали олдида Тошкент ҳарбий округининг ҳарбий қисмларидан бирида белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни тантанали равишда уйига кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Ватан олдидаги муқаддас бурчини намунали ўтаган аскарларга фахрий ёрлиқлар, ҳарбий қисм қўмондонлигининг олий таълим муассасаларига имтиёзли ўқишга кириш имконини берадиган тавсияномалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Шу кунларда Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ҳарбий қисмлар ва муассасаларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган аскарларни тантанали кузатиш маросимлари юксак савияда ташкил этилмоқда.

Тадбирда Президентимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимиз Қуролли Кучларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизими такомиллаштирилди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 31 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларини олган ёшлар мамлакатимиз олий ўқув юртларига киришда тўпланадиган энг юқори баллнинг 27 фоизи миқдоридаги имтиёзга эга бўлади.

— Армияда хизмат қилиш менинг болалик орзуим, — дейди ЎзА мухбирига Тоҳир Бўриев. — Келажакда Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кириб, профессионал ҳарбий хизматчи бўлмоқчиман. Ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан берилган тавсиянома олий ҳарбий билим юртига имтиёзли киришимга имкон беради. Тавсияномага сазовор бўлганлар сафида эканимдан хурсандман ва менга билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

Р.БОНДАРЧУК

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГИ ЮКСАЛМОҚДА

Тошкентда бизнес юритиш бўйича Ўзбекистоннинг халқаро рейтингини ошириш («Doing Business») масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Савдони ривожлантиришга кўмаклашиш» ҳамда «Ўзбекистон бизнес форуми» лойиҳалари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Давра суҳбатида турли вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтлари, халқаро ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

«Doing Business» бизнесни юритиш шартлари бўйича мамлакатимизнинг халқаро рейтингини янада оширишга оид таклифлар ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш тадбирнинг асосий мақсади бўлди. Ушбу рейтинг Жаҳон банки таркибидаги Халқаро молия корпорациясининг тадқиқотлар методикасига мувофиқ тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини изчиллик билан такомиллаштириш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётимизга миллий ва чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш учун қулай муҳит яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2013 йилда мамлакатимизда 80 дан ортиқ рухсат бериш тартибтаомили ва лицензияланадиган фаолиятнинг 15 тури бекор қилинди, 65 турдаги статистик ҳисобот қисқартирилди ва 23 турдаги ҳисоботни тақдим этиш муддати ўзгартирилди. Шунингдек, 22 турдаги интерактив солиқ хизматлари амалиётга жорий этилди, зарур рухсатномаларни бериш муддати икки баробар ва мазкур жараён тўлови беш баробар камайтирилди.

Мазкур чора-тадбирлар самарасида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнесни юритиш – 2014» («Doing Business») рейтингидаги мамлакатимизнинг ўрни сезиларли даражада ошди. Мамлакатимизнинг рейтингдаги мавқеи бизнес ва хусусий мулкни рўйхатдан ўтказиш, қурилишга рухсат олиш, кредитлаш ва халқаро савдо мезонлари бўйича мустаҳкамланди.

Давра суҳбати иштирокчилари тадбиркорлик фаолиятини юритиш шартларини янада соддалаштириш масалаларини муҳокама қилиб, Ўзбекистоннинг халқаро рейтингига бағишланган тақдимотлар ва бошқа давлатларнинг мазкур соҳадаги тажрибалари билан танишди.

– Қонунчилиги бозор иштирокчиларининг ўзаро муносабатига кўмаклашадиган ва муҳим жамоат манфаатларини ҳимоя қиладиган давлатлар бизнесни юритиш бўйича юқори рейтингга сазовор бўлади, – дейди Халқаро молия корпорациясининг Марказий Осиё ва Озарбойжонда молиявий инфратузилмаларни мустаҳкамлаш бўйича консультатив дастури лойиҳаси мувофиқлаштирувчиси А.Насибов. – Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган қонунчилик ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилиши самарасида Ўзбекистоннинг «Doing Business» рейтингидаги мавқеи юксалиб бормоқда.

Давра суҳбати якунида мамлакатимизнинг бизнесни юритиш бўйича рейтингини янада ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

18 февраль куни депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси навбатдаги мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасини давом эттирдилар.

Парламент аъзолари биринчи ўқишда киритилаётган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратдилар. Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги 2010 йил ноябрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида таклиф этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида асослаб берилган эди.

Қонун лойиҳаси фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган. Унда сиёсий плюрализмни, мамлакатимизда ва хорижда юз бераётган воқеалар ҳақидаги фикрларнинг хилма-хиллигини инобатга олган ҳолда, жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида хабардор қилиш тартиб-таомили белгилаб берилмоқда, давлат органлари фаолиятининг, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлат ички ва ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш масалалари назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотдан фойдаланишини таъминлашдан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ва мансабдор шахсларининг қабул қилинадиган қарорлар учун жавобгарлигини оширишдан, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборот тарқатиш тартибини белгилашдан иборат қонуннинг асосий вазифалари белгиланган.

Қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари тартибга солинган. Улар томонидан тақдим этиладиган ахборотнинг ҳамма учун қулайлиги ва ишончлилиги, улар фаолиятининг ошкоралиги, ахборот излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги, фуқароларнинг иззат-нафсига тажовуз қилинганда, шахсий ҳаётига аралашилганда уларнинг ҳимояланиш бўйича ҳуқуқлари ва манфаатларига, юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборот тақдим этишда ўз обрў-эътиборини ҳимоя қилишга оид ҳуқуқларига риоя қилиш шулар жумласидандир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишига мувофиқ 2013 йил март-декабрь ойларида Самарқанд ва Бухоро вилоятларида парламент амалиётида илк маротаба ушбу қонун лойиҳасининг нормалари синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилганлиги қайд этилди. Экспериментдан кўзланган мақсад қонун лойиҳасининг ҳуқуқий қоидаларини янада такомиллаштириш, қонун лойиҳаси нормалари амалга оширилишининг давлат бошқаруви тизими барқарор фаолият олиб боришига, ушбу соҳада ахборот хавфсизлигини таъминлашга кўрсатиши мумкин бўлган таъсирларини баҳолашдан иборат бўлди.

Ҳуқуқий эксперимент чоғида қонун лойиҳаси қоидаларини амалий жиҳатдан қайта ишлаш, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, ошкоралигини таъминлаш бўйича унинг нормалари самарадорлигини баҳолаш, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин олиши бўйича талай чора-тадбирлар амалга оширилди.

Депутатлар, сиёсий партиялар, ННТ, ОАВ вакиллари ҳуқуқий эксперимент тадбирларини амалга оширишда фаол иштирок этдилар.

Ҳуқуқий экспериментнинг ўтказилиши амалиётда шуни яна бир бор ишончли тарзда кўрсатдики, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш механизмларини кенгайтиради, шу билан бир қаторда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун жавобгарлигини кўп жиҳатдан оширади. Умуман олганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.

Қонун лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Қонун лойиҳасида очиқликни таъминлаш бўйича фаолиятни мақбуллаштириш ва бирхиллаштириш, шунингдек, ушбу соҳадаги қоидабузарлик учун юридик жавобгарлик чора-тадбирларини белгилаш жараёнларини бундан кейин ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида раҳбарларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари рўйхатини белгилаш масаласини аниқроқ ишлаб чиқиш тўғрисида таклифлар киритилди. Сиёсий партиялар фракцияларининг аъзолари қабул қилинаётган қонун лойиҳаси жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнлари учун ўта муҳимлигини, шунингдек, қонун лойиҳаси концепцияси мамлакатимиз сиёсий партияларининг асосий дастурий ҳужжатларига мувофиқлигини қайд этдилар.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термиз шаҳрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сурхондарё вилояти кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Йиғилишда «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказларида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, «Тенгдош – тенгдошга» лойиҳаси самарадорлигини янада ошириш ва иқтидорли ёшларни кўпроқ жалб этиш каби масалаларга эътиборни кучайтириш лозимлиги қайд этилди. Ёш тадбиркор ва ҳунармандлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

● Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил этилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тизимли методик ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилаётган мазкур ўқув курсларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маҳалла фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг жамиятдаги роли ва таъсирини кучайтириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг самаралари хусусида сўз юритилмоқда.

● Андижонда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан инглиз тилини ўқитишда илғор услубларни жорий этишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг инглиз тили фани ўқитувчилари иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, айниқса, чет тилларни ўқитишда илғор услубларни жорий этиш ва унинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

● Бухорода аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар ва ечимини кутаётган муаммоларга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Японияда қишнинг жуда совуқ келиши ва қалин қор ёғиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига етказилган зарар 190 миллион долларни ташкил этмоқда. Маълумотларга қараганда, об-ҳавонинг инжиқлиги туфайли Японияннинг асосий Хонсю оролининг марказий ва шимолий қисмидаги 18 та музофотда кўпроқ қулупнай, бодринг ва помидор экинларига зарар етган.

● Италия президенти демократик партия раҳбари Маттео Ренцига янги ҳукумат таркибини шакллантириш вазифасини топширди. Қасамёд қабул қилганидан сўнг Ренци Италияда сўнгги бир йил ичида умуммиллий сайловлар йўли билан эмас, балки ўз вазифасига тайинланган учинчи бош вазир бўлади.

● Ироқнинг Бағдод шаҳри ва унинг атрофидаги Хилла шаҳарчасида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари — бир нечта миналаштирилган автомобилларнинг портлатилиши натижасида 49 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида намойишга чиққан мухолифатчилар ва полициячилар ўртасида рўй берган тўқнашувлар пайтида беш киши ҳалок бўлди, 70 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳалок бўлганларнинг биттаси полиция ходимидир.

Маълумки, 2013 йил 12-13 декабрь кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида бир қатор қонунлар кўриб чиқилиб, маъқулланди. 2014 йил 20 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳам ана шундай муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир.

Қонун кучга кирди

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ДАВР ТАЛАБИГА МУВОФИҚЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг бир гуруҳ аъзолари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати ушбу қонуннинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятига бағишланди. Қуйида давра суҳбатининг тафсилотлари билан таништириб ўтамиз.

Светлана АРТИКОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси:

— Суҳбатимиз мавзусидан келиб чиққан ҳолда, аввало, юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда қонун устуворлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ишлари изчиллик билан давом эттирилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Буни тараққиётимизда янги босқични бошлаб берган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш борасида ўтган уч йилдан ортиқ вақт давомида бир қатор янги қонунларнинг қабул қилиниши билан биргаликда амалдаги қонунларга замон талабларини инобатга олган ҳолда муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб борилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам айнан миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш, уни умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш йўлидаги навбатдаги ҳужжатдир. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур Қонун билан 25 та қонун ҳужжатига, шу жумладан, 17 та қонунга, 7 та кодекс, битта Олий Мажлис қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Эркин РЎЗМЕТОВ,
Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор:

— Мазкур қонуннинг эътиборга молик жиҳатлари кўп. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар натижасида суд ҳокимияти инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган мустақил давлат институти сифатида ўзини тобора кенгроқ намоён этиб, одил судловни амалга оширишга қодир суд ҳокимияти сифатида тўлиқ шаклланди.

Маълумки, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш масалалари давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида доимо мамлакатимиз раҳбариятининг эътиборидадир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августда қабул қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган «Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари суд тизимининг самарали фаолиятини таъминлашга кўмаклашувчи муҳим амалий қадамлар бўлди. Ушбу фармонларда белгиланган талабларни рўёбга чиқариш мақсадида мазкур Қонун билан «Судлар тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунларга ҳамда Меҳнат ва Солиқ кодексларига суд тизимининг фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, судьялик лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар кучайтирилди. Хусусан, судьялик лавозимига номзодларнинг ёш бўйича талаби йигирма беш ёшдан ўттиз ёшгача, юридик соҳада иш стажи бўйича талаби, юридик ихтисослиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси бўлиши учун амалдаги уч йилдан беш йилга, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси бўлиши учун амалдаги беш йилдан етти йилга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси бўлиши учун амалдаги етти йилдан 10 йилга кўтарилди.

Шунингдек, судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар заҳирасида турган шахслар белгиланган тартибда ўқиши ва стажировкани ўташи шартлиги киритилди ҳамда ўқув ва стажировкани ўташ даврида уларнинг асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ўз меҳнат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши белгиланди.

Бундан ташқари, судьяларга уларнинг ваколатлари тугаганидан кейин улар судьялик лавозимига сайланишга ёки тайинланишга қадар эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилиши, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса, аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилиши белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, умумий юрисдикция судларининг ва хўжалик судларининг судьялари хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган даромадлари бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилди.

Киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган суд кадрларини танлаш ва тайёрлашнинг самарали тизимини яратишга, шунингдек, судьяларнинг ижтимоий кафолатларини кучайтиришга қаратилганлиги билан ғоят аҳамиятлидир.

Светлана АРТИКОВА:

— Шу ўринда мазкур Қонун билан «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунга сиёсий партияларнинг маҳаллий ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишдаги роли ва ўрнини янада мустаҳкамлашга, сайловолди платформасини ва дастурий мақсадларини бажаришда уларнинг фаоллигини янада кучайтиришга, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини амалга оширишда уларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилган ўзгартишлар киритилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳларини ташкил этиш, тугатиш шартлари ва тартиби белгиланди. Шунингдек, партия гуруҳларига амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда, тегишли вакиллик органларининг нафақат қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, балки шу билан бирга, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар юзасидан таклифлар киритиш, тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини сессияларда эшитиш ҳақида таклифлар киритиш каби қўшимча ваколатлар берилди. Бунда қарор депутатларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирда қабул қилинади. Энг муҳими, партия гуруҳларининг таклифлари ҳокимиятнинг вакиллик органи томонидан, албатта, кўриб чиқилишининг шартлиги белгиланди. Киритилган ўзгартишлар тегишли вакиллик органларидаги партия гуруҳларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтиришга, улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга киритилган қўшимчага мувофиқ, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан депутатликка номзод этиб фуқаролар орасидан мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, тегишли вилоят, туман, шаҳар иқтисодиётини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг, фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини оширишга кўмаклашаётган шахслар кўрсатилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 155[1], 152[2]-моддалар билан тўлдирилди. Уларга кўра тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаганлик учун, шунингдек, террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Бунда ушбу жиноятни содир этган шахс, агар у террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ушбу Кодекснинг 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255[1] ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида била туриб ўқувдан ўтганлиги тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгиланди. Киритилган қўшимчалар терроризмга қарши курашиш чораларини таъминлаш, тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик хусусиятига эга жиноят тўғрисида хабар бермаган шахсларга жиноий жавобгарлик чораларини қўллаш самарадорлигини оширишга қаратилган.

Холбой ИБРАИМОВ,
Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси, Навоий Давлат педагогика институти ректори:

— Маълумки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш стратегияси қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш ва чет эл инвестициялари ҳажмини оширишда ҳал қилувчи омил бўлди. Шу муносабат билан тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонунларга ҳамда Солиқ кодексига ўзгартишлар киритилди. Жумладан, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг давлат рўйхатидан ўтиш жараёнини енгиллаштириш мақсадида давлат рўйхатига олиш, шунингдек, зарур рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тегишли давлат органи томонидан «бир дарча» принципи бўйича амалга оширилиши белгиланди. Шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги янгидан ташкил этиладиган, чет эллик инвесторнинг пул шаклидаги ҳиссаси камида 5 миллион АҚШ долларидан иборат бўлган корхоналар солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўзгарган тақдирда, улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида улар давлат рўйхатига олинган санада амал қилиб турган, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга доир нормалар ҳамда қоидаларни қўллашга ҳақлилиги белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, чет эллик инвесторлар — жисмоний шахслар, чет эллик инвесторлар — юридик шахсларнинг мансабдор шахслари чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда ўз улушлари (ҳиссалари, акциялари) мавжуд бўлган бутун даврда тегишли кўп марталик визалар олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиш ва унда қолиш ҳуқуқига эгалиги белгиланди. Шу билан бирга, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, банклар томонидан чет эллик инвесторларнинг ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ қўшимча талаб ва чекловлар белгиланиши тақиқланди.

«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонунга киритилган қўшимчалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қўшимчаларга мувофиқ, юқори замонавий технологияларни жалб этиш ва юқори технологик ишлаб чиқаришларни ривожлантиришни таъминловчи устувор тармоқларга инвестициялар киритилганда чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари берилади, шунингдек, қўшимча кафолатлар ва ҳимоя қилиш чораларининг бир тури сифатида, зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари бюджет маблағлари ва бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан таъминланади.

Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимиз иқтисодиётига, айниқса, саноатнинг юқори технологик тармоқларига чет эл инвестицияларини фаолроқ жалб этишга, мамлакатимизда инвестиция муҳитини такомиллаштиришга, Ўзбекистон ҳудудида чет эллик инвесторлар фаолияти учун қулайроқ шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Насритдин САДРИТДИНОВ,
Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Наманган вилоят бўлими бошқаруви раиси:

— «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ер кодексига ва Уй-жой кодексига, «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунга уларнинг нормаларини қабул қилинган Қонунга мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгартишлар киритилди. Масалан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида маъмурий комиссияларнинг тузилиши назарда тутилмаганлиги сабабли Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 242, 243-моддаларига тегишли тузатишлар киритилди ва 246-модда чиқариб ташланди.

Икрам КАРАТАЕВ,
Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси, Сайхунобод туманидаги «Қоратой Мирзаев» фермер хўжалиги раҳбари:

— Ер кодексининг 84-моддасида ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида амалга ошириши белгилаб қўйилди. Шунингдек, қонун ҳужжатларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ерларни бериш ва уларни олиб қўйиш бўйича ваколатлар берилмаганлиги сабабли Ер кодексининг 85-моддасининг бешинчи хатбошисидан «ҳамда посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига» сўзлари чиқариб ташланди.

Уй-жой кодексининг 6-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасида коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг, етим болаларнинг, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг, табиий офатлардан ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан жабрланган фуқароларнинг уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритиш ваколатлари белгилаб қўйилди.

Эркин РЎЗМЕТОВ:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони талабларини рўёбга чиқариш мақсадида тугатилган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг вазифа ва функциялари янги ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ва «Рақобат тўғрисида»ги Қонунларига таҳририй тузатишлар киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига киритилган ўзгартишга кўра, янги ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари ушбу қўмита зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга бериладиган даъволар ва аризалар юзасидан давлат божини тўлашдан озод қилинди.

Светлана АРТИКОВА:

— Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қонун билан юқорида қайд этилган қонун ҳужжатларига киритилган муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштиришда, уни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришда ҳамда пировардида фуқароларимизнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлашда, шубҳасиз, мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Суҳбатни Дилмурод ЭШМУРОДОВ ёзиб олди

ДЕПУТАТЛАР ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Барча таклифлар ҳар томонлама муҳокама этилганидан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлашни масъул қўмитага топширди.

Шундан кейин депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу қонун лойиҳасида хўжалик суд ишларини юритишни янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг вақтини тежаш ва харажатларини камайтириш, судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий нормалари белгилаб берилган.

Мунозараларда бугун хўжалик процессуал қонунчилик ҳужжатларида видеоконференция-алоқа тизимларидан фойдаланиш орқали мажлислар ўтказиш имконияти ҳали ҳам назарда тутилмаганлиги билдирилди. Амалдаги нормаларга мувофиқ ишларни кўриб чиқиш ишни кўриб чиқувчи суд жойлашган ерда ўтказиладиган суд мажлисида амалга оширилади. Бундай тартиб суд жойлашган ердан бошқа ҳудудда жойлашган тарафларнинг, иш кассацион инстанция судида кўриб чиқилганда эса иккала тарафнинг кўп вақти ва маблағлари сарфланиши билан боғлиқ. Шу муносабат билан қонун лойиҳасида назарда тутилган ўзгартишларнинг киритилиши ушбу жараён иштирокчиларига, шу жумладан, судда иши кўриб чиқилаётган, бошқа ҳудудда жойлашган тадбиркорлик субъектларига ўзлари жойлашган ҳудуддан чиқмаган ҳолда суд жараёнларида иштирок этиш, уларнинг молиявий ва вақт билан боғлиқ харажатларини камайтириш имкониятини беради.

Депутатлар таъкидладиларки, умуман, видеоконференция-алоқа тизимининг жорий этилиши суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш учун қулайроқ шарт-шароитлар яратиб беради, одил судловни таъминлайди, шунингдек, бутун хўжалик судлари тизимининг фаолиятини ташкил этиш ва бу фаолият устидан назорат қилишда Олий хўжалик суди фаолиятининг самарадорлигини оширади.

Шундан сўнг Қонунчилик палатаси мажлисида кун тартибининг кейинги банди кўриб чиқилди. Маълумки, 2013 йил 28 декабрда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган ташаббусларни рўёбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилган «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кучга кирди. Амалдаги қонун ҳужжатларини қабул қилинган қонунга мувофиқлаштириш мақсадида Қонунчилик палатаси депутатларининг ташаббускор гуруҳи томонидан «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрланди. Қонун лойиҳаси мамлакатимизнинг бир қатор қонун ҳужжатларига, шу жумладан, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутмоқда.

Умуман олганда, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши нормалар ва қоидаларнинг номувофиқлигига барҳам бериш, ҳуқуқий тартибга солишнинг, экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи атамалар ва таърифларни қўллашнинг бирхиллигини таъминлаш имконини яратади. Саволларга жавоб берилганидан кейин ва қонун лойиҳаси ҳар томонлама муҳокама этилганидан сўнг депутатлар уни концептуал жиҳатдан маъқуллаб, биринчи ўқишда қабул қилдилар. Масъул қўмитага ҳужжатни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифаси топширилди.

Мажлисда Қонунчилик палатасининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ахборот хизмати

Она ва бола саломатлиги мамлакат ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги даражасининг энг муҳим кўрсаткичидир. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда фаол ҳаётий позицияга эга соғлом, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

2014 йил — Соғлом бола йили

СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАК АСОСИ

Аҳолининг репродуктив саломатлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни янада яхшилаш, оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида давлат тузилмалари билан бир қаторда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1993 йил 23 апрелдаги Фармонига мувофиқ ташкил этилган «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси улар орасида муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда жамғарма аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга улкан ҳисса қўшмоқда. Жамғарма мамлакатимизда давлат дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этиш билан бирга, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Президентимиз томонидан илгари сурилган «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган олижаноб ғоя замиридаги эзгу мақсад ва вазифаларга мос келадиган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда.

Мамлакатимиз ҳаётига оид муҳим ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни амалга оширишда жамғарма фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида 2014 йил 30 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатнинг Соғлом бола йилида қабул қилинганида ҳам рамзий маъно мужассам.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири **«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Светлана ИНОМОВА** билан жамғарманинг келгуси фаолияти хусусида суҳбатлашди.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинишининг асослари ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятлар, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этиб, фуқароларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга шароит яратиш, шунингдек, жамиятда манфаатлар мутаносиблигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Жамоат ташкилоти бўлган бизнинг жамғармамиз ҳам ушбу жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Жамғарма ўз мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш учун давлатимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланаётган тиббиёт, инсонпарварлик, тарбиявий ва инвестиция дастурларини самарали амалга оширмоқда. Бу борада жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 14 минтақавий филиали ҳамда 100 дан ортиқ таянч пункти фаолият юритмоқда.

Жамғарма томонидан аҳолига тиббий ёрдам, эзгулик ва меҳр-шафқат кўрсатиш, халқаро ҳамкорлик, маданият ва маърифат, соғломлаштириш ҳамда спорт йўналишларида амалга оширилаётган олижаноб ишлар асосий ва, ягона мақсад – ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда хайрия фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб интернатлари тарбияланувчилари, ногирон болалар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий кўмак берилмоқда.

Жамғарманинг кенг кўламли лойиҳалари самаралари, энг асосийси, ходимларнинг самимият ва меҳр-шафқатга йўғрилган фаолияти амалга оширилаётган ишларда ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, сўнгги беш йилда бевосита жамғарма кўмагида оғир туғма нуқсонли 118 бола Германия ва Жанубий Кореядаги етакчи клиникаларда даволанди, турли нуқсон билан туғилган 2 минг 200 дан ортиқ бола эса мамлакатимиздаги шифохоналарда муолажа олди.

«Friedensdorf International» (Германия) халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ногирон болалар ва кам таъминланган оилаларнинг бемор фарзандларини соғломлаштириш бўйича лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

2013 йилда юз-жағида туғма нуқсони бор 237 бола мамлакатимизда муваффақиятли операция қилинди. Шунингдек, ўтган йили «Чиройли оёқчалар» лойиҳаси доирасида туғма ортопедик нуқсонли 227 нафар болага жаррохлик амалиёти қўлланилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 февралдаги қарорига мувофиқ, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ўзига хос тиббий-ижтимоий патронаж тизими яратилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган кўчма бригадалар мутахассислари бу борадаги ишларни амалга ошириб келмоқда. Улар оилалар саломатлиги, руҳий муҳити ва ижтимоий-иқтисодий даражасини ўрганади. Сўнгги 16 йилда 3,2 миллиондан зиёд киши, асосан мамлакатимизнинг олис ва чекка туманларида истиқомат қилаётган аёллар ва болалар замонавий ташхис ва даволаш усуллари ёрдамида тиббий кўрикдан ўтказилди ҳамда соғломлаштирилди. Тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари бир вақтнинг ўзида аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган тарғибот ишларини ҳам олиб бормоқда. Бу борада мутахассислар билан суҳбатлар, маҳалла ва таълим муассасаларида маърифий тадбирлар ташкил этилаётир.

Бу шунчаки рақамлар эмас, балки ҳар бирининг замирида инсон ҳаёти ва тақдири, шунингдек, жамғарма ходимларининг хайрли ва эзгу ишлари амалга оширишга бўлган чексиз интилиши мужассамдир.

– Ушбу янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат ва у «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси фаолиятида қандай аҳамиятга эга?

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори жамғарманинг моддий-техник базасини мустаҳкамлайдиган ва тартибга соладиган асосий ҳужжатга айланди. Бу мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига қаратилаётган алоҳида эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир. Мазкур қарор она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом авлодни тарбиялаш каби муҳим ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни бажаришдаги ваколатларимизни янада кенгайтирди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қарор билан «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрири қабул қилинди. Мазкур низомга биноан жамғарма бошқарувининг олий органи – иштирокчилар конференцияси тугатилди ва ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Шу чоққача конференцияда жамғарма бошқаруви, бошқарув раиси, тафтиш комиссияси сайланиб, ижрочи директор тасдиқланар эди. Энди ушбу вазифалар жамғарма бошқарувининг бош органи – Васийлик кенгаши зиммасига юклатилди. Васийлик кенгаши таркибига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, молия институтлари, йирик компаниялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари киритилди. Унинг ваколати сезиларли даражада кенгайтирилди.

Масалан, Васийлик кенгашига жамғарма фаолияти, унинг амалдаги қонунчилик, жамғарма низоми ва Васийлик кенгаши қарорларига мувофиқлигини назорат қилиш, жамғарма низомига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни тасдиқлаш, Бошқарув ва тафтиш комиссиясини ташкил этиш, ташкилот пул маблағлари ва бошқа мулкларидан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш, бюджетни тасдиқлаш ва бошқа бир қатор ваколатлар берилган.

Янги қарорга мувофиқ, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вазифалари доираси кенгайтирилди. Жамғарма кўп болали оилалар, аёллар, ногиронлар, ногирон болалар, гўдаклар уйлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, «Саховат» ва «Мурувват» уй-интернатлари, махсус таълим муассасаларида истиқомат қилаётганларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатади. Перинатал, реабилитация ва скрининг марказлари, педиатрия даволаш-профилактика ва бошқа муассасаларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларни ривожлантиришга кўмаклашади. Жамғарма аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш, реабилитация, ногиронликнинг олдини олиш, шунингдек, онкология, силга қарши кураш муассасалари ва бошқа хизматларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий аҳамиятли касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш бўйича профилактика ишларининг самарали тизимини яратишга ёрдам беради.

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди тўғрисидаги Низомнинг янги таҳририга мувофиқ, жамғарма бундан кейин ҳам хайрия фаолиятини давом эттиради. Фонд маблағлари келиб тушиш манбаларидан қатъи назар, низомда белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш йўлида сарфланиши шарт. Шундан келиб чиқиб, фонд фуқаролар билан ҳуқуқий битимлар тузиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хайрия маблағларини, чет эл фуқаролари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг пул маблағлари, адабиёт ва санъат асарлари, илмий ва ижодий ишланмалари, машиналари, ускуна ва жиҳозлари, иншоотлар ва бошқа моддий воситаларини жалб этиши мумкин. Бундан ташқари, давлат ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўз лойиҳалари ҳамда дастурларини амалга ошириш, кредит олиш, низомда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида ташкилотлар ташкил этиш ва бошқа кўплаб ҳуқуқларга эга.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг ҳуқуқий мақомини ошириб, мақсад ва вазифаларини кенгайтирди. Давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган Соғлом бола йилида дастурларимиз давом эттирилади. Аёллар, болалар ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни янада кўпроқ ташкил этишни режалаштирмоқдамиз.

Меҳрибон МАМЕТОВА
суҳбатлашди.

Таълим

БИЛИМЛАР БЕЛЛАШУВИ

Шаҳримиздаги 116-мактабда «Билимлар беллашуви» танлови ўтказилди.

Келажагимиз эгаларининг билимли, зукко, зеҳни ўткир бўлиб вояга етишини таъминлаш мақсадида уюштирилган ушбу тадбирда 4-синф ўқувчилари қатнашишди.

Турли фанлардан эгаллаган билимларини ҳакамлар ҳайъатига намойиш этган болажонлар орасидан ғолиб деб топилган ўқувчиларга эсдалик совғалари туҳфа этилди.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЛ БИЛГАН ДУНЁ ТАНИЙДИ

Юртимизнинг хорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалар қатори таълим тизимида ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Айни пайтда мамлакатимизнинг бир қатор ўқув даргоҳларида чет тиллар чуқур ўргатиб келинаётгани фикримиз далилидир.

Хусусан, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 2-академик лицейда ўқувчиларнинг инглиз, рус, араб ва хитой тилларини пухта ўрганишлари учун амалга оширилаётган чора-тадбирлар эътиборга лойиқдир. Айни пайтда ўқув даргоҳида айниқса, хитой тилини ўрганиш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу борада 2011 йил академик лицейнинг хорижий фанлар кафедрасида хитой тили бўйича махсус бўлим ташкил этилгани алоҳида аҳамият касб этди. 2012 ўқув йилидан бошлаб лицейда хитой тили алоҳида тил сифатида ўргатила бошланди. Шундан буён ҳар йили 24 нафар ўқувчи хитой тили гуруҳида ўқитилмоқда.

— Хитой тилини ўрганиш бошқа тилларга нисбатан бирмунча мураккаб, – дейди академик лицейнинг хитой тили ўқитувчиси Дилнавоз Турсунова. – Шунинг учун ўқувчиларнинг бу тилни тез ва осон ўзлаштиришларига эришиш учун асосан мазкур йўналишдаги дарсликлар услуби ва савиясига катта эътибор қаратаяпмиз. Ҳозирда дарс жараёнлари «Xin Mu Biao», «Han Yu Jiao» каби хитой тили дарсликлари ва инсерт технологияси методикаси асосида ташкил қилинган. Жорий йилдан бошлаб ўқув машғулотларининг аудиовизуал ҳоналарда янги электрон дарсликлардан фойдаланган ҳолда олиб борилиши йўлга қўйилганини эътироф этиш жоиз. Қувонарли томони, бу жиҳат ўқувчиларнинг ушбу тилни мукаммал ўрганиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Айни кунларда ушбу таълим даргоҳида дарс бераётган ҳар иккала ўқитувчи ҳам Хитойнинг Дальян шаҳридаги Мери Тайм университетида малакаларини оширишган, шунингдек, 2011 йил Урумчи шаҳрида бўлиб ўтган хитойшуносларнинг илмий конференциясида иштирок этишган.

— Хитой тилини ўрганиш жараёнида ушбу юртнинг тарихи, маданияти ва миллий қадриятлари билан ҳам яқиндан танишиб бораяпмиз, — дейди академик лицейнинг иккинчи босқич ўқувчиси Нозима Ҳошимова. — Бу эса Хитой давлати тарихига бағишланган «Мамлакатшунослик» фани бўйича билим ва кўникмаларимизни янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Дарслар жараёнида мазкур мамлакат тарихи менда катта қизиқиш уйғотди. Шу боис Шарқшунослик институтида хитой тилини ўрганиш бўйича таҳсилни давом эттириб, келажакда бу мўъжизакор юртга саёҳат қилиш ниятидаман.

Айни пайтда академик лицей ўқувчилари хитой халқининг ой тақвими бўйича февраль ойида нишонланадиган «Chun Jie» янги йил байрами тадбирини ўтказишди. Бунда Шарқшунослик институти ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ходимлари яқиндан кўмак берди.

Нигина РАСУЛЕВА

Ҳамкорлик

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Сергели саноат касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, «Ўзбекистон — Германия» Дўстлик жамияти билан ҳамкорликда «Немис миллий таомлари, хоссалари ва тайёрлаш технологияси» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Тадбирда ўзбек-немис қўшма корхоналарининг вакиллари, немис ресторанининг тажрибали ошпазлари, шунингдек, коллежнинг 1-3 босқичларида «Ресторан ва меҳмонхона бизнеси» мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган ўқувчилар, педагог-ходимлар жамоаси иштирок этди.

— Жамиятимиз 1998 йил 27 ноябрда ташкил этилган бўлиб, икки давлат ва халқ ўртасидаги маданият, санъат, таълим соҳаларидаги алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан фаолият олиб боради, — дейди «Ўзбекистон — Германия» Дўстлик жамияти ижрочи директори Галина Асташова. — Бугунги илмий-амалий анжуман ҳам икки халқнинг турмуш тарзи, маданияти, миллий таомлари, анъаналари билан ўзаро таништириб, алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Таъкидлаш керакки, мазкур анжуманда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши бўлим бошлиғи Зокир Обидовнинг «Германия ва Ўзбекистон халқи ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантиришда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашининг роли», Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси бўлим бошлиғи Мелани Мольтман хонимнинг «Немислар турмуш тарзи, таълим ва овқатланиш тизими», «Ўзбекистон — Германия» Дўстлик жамияти ижрочи директори Галина Асташованинг «Дўстлик жамияти амалга ошираётган ишлар ҳақида» сингари мавзулардаги маърузалари тингланди. Шунингдек, «Биз Германия ҳақида нималарни биламиз» мавзусида викторина ўтказилди ҳамда «Немис ошхонасининг анъаналари ва ўзига хос хусусиятлари» деб номланган видеоролик намойиш этилди.

— Ёшлигимдан ошпазлик касбига қизиққанман боис ушбу соҳани танладим ва шу йўналиш бўйича барча замонавий имкониятлар яратилган коллежда таҳсил олмоқдаман, — дейди Сергели саноат касб-ҳунар коллежининг «Миллий ва хорижий таомлар тайёрлаш» йўналиши 3-босқич талабаси Муҳаммадюсуф Тўхтасинов. — Биз нафақат она диёримизда, балки турли хорижий давлатларда ҳам соҳамиз сир-асрорларини мукаммал ўзлаштириш имкониятига эга бўлиб, у ердаги турли кўрик-танловларда иштирок этиб қайтмоқдамиз. Хусусан, ўтган йили Чехия ва Словакия давлатларида миллий таомларимизни, жумладан, Тошкент тўй оши, манти каби таомларни тайёрлаб кўрсатганимизда хорижликлар анча ҳайратланишди. Бизнинг мақсадимиз ҳам миллий таомларимиз орқали юртимиз довруғини, анъаналарини дунёга танитишдан иборат.

Анжуман сўнгида пойтахтимиздаги «Вкусный хлеб» номли ишлаб чиқариш корхонаси директори Насим Шарипов, технолог Анна Авдеенко ҳамда «Гаст — Хаус» немис ресторанининг тажрибали ошпазлари томонидан маҳорат дарслари ташкил этилди. Унда немисча анъанавий дастурхон тузатиш қоидалари, «Олмали штрудел», «Берлинча салат», «Мюнхенча бюрен», «Крендель», «Ландлер», «Пишлоқли нон» каби ширинлик, таом ва маҳсулотлар тайёрлаш технологиясини ўқувчилар диққатига ҳавола этишди.

Ҳунарлининг қўли гул, — дейди доно халқимиз.

«Камолот»

МЕНИНГ ҲАРАКАТИМ — ЮРТИМ ТАҚДИРИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент темир йўл муҳандислари институти бошланғич ташкилоти фаолларининг «Бугунги сенинг ҳаракатинг – эртанги юрт тақдири» шиори остида ташкил этаётган ҳудуд миқёсидаги кенг кўламли хайрли ишлари ибратлидир.

Ҳаракатнинг эзгу ғоялари атрофида бирлашган 3782 нафар бошланғич ташкилот аъзолари Миробод туманининг «Темирйўлчилар», «Навбаҳор», «Наврўз» сингари маҳаллаларида фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари билан узвий ҳамкорликда турли лойиҳа ва тадбирлар, концерт дастурлари, ободонлаштириш-кўкламзорлаштириш юзасидан ҳашарлар ўтказиб келмоқда.

— Талабаларнинг кўнгилли хайрия жамғармаси ҳисобидан маҳаллаларда «Камолот»дан туҳфа» хайрия тадбирини ўтказдик, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати институти бошланғич ташкилоти етакчиси Фарруҳ Азимов. — Пойтахтимиздаги «Мурувват» ногиронлар интернат-уйи, Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида олийғоҳимиз талабалари билан биргаликда хайрия ҳашари ўтказдик ва концерт дастури намойиш этдик. Шунингдек, бошланғич ташкилотга аъзо фаол талабалардан ташкил топган «Посбон», «Биз чекишга қаршимиз!» каби маънавият тарғибот-ташвиқот гуруҳлари, 12 нафар истеъдодли талабалардан тузилган «Транс-шоу» номли Қувноқлар ва зукколар жамоаси томонидан институт ҳудуди ва маҳаллаларда ўнлаб мана шундай тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Институт йигит ва қизлари ўртасида анъанавий тарзда ташкил этиладиган «Камолот кубоги» спорт беллашуви ёшларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб вояга етишларига хизмат қилса, «Ҳарбийлар беллашганда», «Шунқорлар» номли ҳарбий спорт мусобақалари талаба-йигитларнинг ҳарбий интеллектуал ва жанговар қобилиятларини оширмоқда. Бундай тадбирларни вилоятдан келиб таҳсил олаётган бошланғич ташкилот фаол талабаларнинг ўз ҳудудларида давом эттираётганлари эътирофга лойиқдир.

— Таътил кунлари давомида Тўрткўл тумани «Ўзбекистон» овул фуқаролар йиғинидаги 14-умумий ўрта таълим мактабида «Одам савдоси – аср вабоси» деб номланган тадбир ташкил этдим, — дейди институтнинг Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси факультети 3-босқич талабаси Абдулазиз Ибодуллаев. — «Камолот» — менинг таянчим» деб номланган тадбир орқали эса институтнинг биринчи курсига қабул қилинган талабаларни бошланғич ташкилотга аъзолик қабул олиш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини кенгроқ тушунтириш, эзгулик ғояларига даъват қилишдек вазифалар амалга оширилади.

Бошланғич ташкилот хонасига қадам қўяр экансиз, ҳақиқатан ҳам, бу файзиёб масканнинг талаба-ёшларнинг доимий фаол ижтимоий ҳаракатдаги ташкилоти эканлигига амин бўласиз. Бу ердаги жиҳоз ва деворий кўргазмали суратлар талабалар эгнидаги темир йўл муҳандиси формасидек ёрқин, жилокор. Уларнинг тизими ишлари эса қизғин, бекор ўтиришга вақт йўқ. Бошланғич ташкилот йўналишидан келиб чиқиб юкланган масъулият ва топширилган ишончли вазифалари бор. Ана шундай хайрли ишлар йўлида уларга ҳамиша зафарлар тилаймиз.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Тадбирлар

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Тошкент Давлат аграр университетида талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида уюштирилган тадбир ёшлар ўртасида гиёҳвандлик иллати тарқалишининг олдини олиш масалаларига бағишланди.

Гиёҳвандлик — аср вабоси. Бу иллатга чалинган инсон нафақат ўзига, балки атрофидагиларга, жамиятга жиддий зиён етказади. Шу боис ҳам педагоглар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари тадбир давомида талабаларга гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида батафсил сўзлаб беришди, ёшларни соғлом турмуш тарзига амал қилишга, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга, чуқур билим олиш, касб-ҳунар эгаллашга даъват этишди.

Тадбир якунида қатнашчиларга гиёҳвандликнинг машъум оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Қабоҳат» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

(Ўз мухбиримиз)

Ташаббус

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР КЛУБИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ёш ижодкор, шоир ва ёзувчилар учун «Иқтидорли ёшлар клуби» ташкил этилди.

Клуб машғулотларини Миллий кутубхона нашриёти муҳаррири, таниқли шоир Шукур Қурбон олиб бормоқда. Ҳар икки ҳафтада бир марта ўтказиладиган клуб машғулотларида иқтидорли ва зукко ёшлар ихтиёрий равишда иштирок этишлари мумкин. Ўзининг шеърий ижод намуналари билан қатнашаётган Шайхонтоҳур туманидаги 59-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Барно Мамажонова ана шундай иқтидорли ва истеъдодли ёшлардан биридир.

— Истиқлол мустақил она диёримизга тинчлик аталмиш муқаддас неъматни инъом этди. У туфайли ёш иқтидор ва истеъдод эгалари мана шундай қутлуғ масканда бирлашиб, ўзаро фикр алмашишмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Барно Мамажонова равон нутқи билан фикрини баён этаркан. – Болалигимдан рақс санъатига қизиққаним боис «Баркамол авлод» болалар бадиий ижодиёт маркази қошида ташкил этилган «Юлдуз» фольклор рақс дастасига аъзо бўлдим. Польша шаҳрида 2010 йилда ўтказилган «Баҳорги юлдузлар» фестивалида қуш рақсим билан 2-ўринни эгалладим. Яна шу йили Чехияда ўтказилган халқаро фестивалда миллий рақсларимизни ижро этиб фахрли биринчи ўринни қўлга киритиб қайтдим. 2008 йили «Янги авлод» болалар ижодиёт фестивалида рақс йўналиши бўйича лауреат бўлдим. Ўтган йили «Юрт келажаги» танловининг шеърият йўналиши бўйича республика босқичида муваффақиятли иштирок этдим. 2012-2013 ўқув йилида Билимлар беллашувининг якуний босқичида ғолиб бўлдим. Етти ёшимдан буён «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошида ташкил этилган «Бунёдкор» телеклубининг болалар кўрсатувида, шунингдек, «Ёшлар» телерадиоканалининг «Болалар вақти» саҳифасида, «Тошкент» каналидаги болаларга мўлжалланган теледастурларда бошловчи ва сухандонлик қиламан. Тонг юлдузи газетасига эса ижодий ишларим, шеър ва мақолаларим билан мунтазам қатнашиб тураман.

Айтиш керакки, янги ташкил этилган клубда Барно каби ёш изланувчан ва зукко ўқувчи ва талабалар кўпчиликни ташкил қилади. Хулоса ўрнида, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган замонавий таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган, аниқ ва эзгу мақсадлар, чуқур замонавий билимларга эга, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиш истаги билан яшаётган иқтидорли ёшларнинг, клуб ташкилотчиларининг фаолиятларига зафарлар тилаймиз.

Ўғилой САЙСУЛТОНОВА

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида умумтаълим мактабларида таҳсил олувчи ўқувчи-ёшлар ўртасида «Биз буюк юртнинг баркамол ёшларимиз» лойиҳаси доирасида «Ўзбекистоннинг соғлом фарзандларимиз» мавзуида расмлар танлови ўтказилди.

Танловлар

ЎЗБЕКИСТОННИНГ СОҒЛОМ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ЁИҲ шаҳарча Етакчилар Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган танлов «Соғлом бола йили» муносабати билан ташкил этилиб, унда ҳудудда жойлашган 5 та умумтаълим мактабларида таҳсил олувчи ўқувчилар иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, шаҳарча ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши билан ҳамкорликда умумтаълим муассасаларида ёшларни Она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллий урф-одат, анъаналаримизни асраш ва юксалтиришга ўргатиш, уларнинг иқтидорини ҳамда қобилиятини аниқлаш, ёш истеъдодларнинг салоҳиятини ошириш, ёшларнинг бўш вақтини унумли ва сермазмун ўтказишлари учун кенг имкониятлар яратиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Ўзининг ижодкорлик қобилиятини намоён қилган ҳамда фикрини тасвирий санъат орқали баён этган ўқувчи-ёшлар танлов ниҳояси да «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зарина РУСТАМОВА

Кўргазмалар

ИСТИҚЛОЛ КУРТАКЛАРИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейида «Истиқлол куртаклари» деб номланган кўргазма очилди. Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтининг ҳайкалтарошлик йўналиши бўйича 3-босқичда таълим олаётган талабалар Баҳром Норбоев, Жонибек Хатамов ва Камолиддин Раҳматовларнинг графика, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик йўналишларида яратган эркин ижод намуналари ушбу кўргазмадан ўрин олган.

«Устоз-шогирд» тизимида яратилган 50дан ортиқ эркин ижод намуналарида акс этган ҳаёт фалсафаси, олам, ижтимоий ҳаёт муаммолари, оила масалалари санъат ихлосмандларини мулоҳазага чорлайди.

Б.Норбоев 1990 йили Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида туғилган. Дастлаб Шаҳрисабздаги Тасвирий санъат музейида, сўнгра Республика рассомлик коллежида ўқиган.

Ж.Хатамов 1991 йили Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида туғилган. Ижодий муҳитда камол топди.

К.Раҳматов 1993 йили Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида туғилган. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаол аъзоси.

Ҳозирда улар шу институтнинг ўқитувчиси, ҳайкалтарош Азамат Хатамов раҳбарлигида ташкил этилган гуруҳнинг фаолларидан. Кўргазманинг очилиш тадбирида ўз ижодий ишларини намойиш қилиш учун қўйган ҳар уччала ёш ижодкор ўқишдаги муваффақиятлари ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун дипломлар билан тақдирланган.

Кўргазма жорий йилнинг 14 мартигача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Спорт янгиликлари

ГИЛАМДА ЁШ ПОЛВОНЛАР

Пойтахтимизда дзюдо бўйича болалар ўртасида ўтказилган очиқ турнирда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан 300 нафардан ортиқ истеъдодли ёш спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, улар ўртасида спортни, жумладан, дзюдони кенг оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган мазкур мусобақа Халқаро дзюдо федерацияси қоидалари асосида ўтказилди.

10-11 ёшли болалар ўртасидаги беллашувларда ўз вазн тоифасида барча рақибини енгган пойтахтлик Ҳасан Турсунов, бухоролик Диёрбек Фармонов, Диёрбек Давронқулов, жиззахлик Шаҳзод Жўраев, қашқадарёлик Муҳаммад Турсунқулов, самарқандлик Асрор Ғаниев ва Тошкент вилояти вакили Баҳром Йўлдошев шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

12-13 ёшли болалар мусобақасида Кўқон дзюдо мактаби тарбияланувчилари энг кўп олтин медални қўлга киритди. Ёш дзюдочилардан Абдувосит Абдусалимов, Ҳасанжон Жўрабоев, Жамолиддин Ҳакимбоев, Шоҳжаҳон Адҳамов, Дилшод Баҳодиров, бухоролик Жавлон Хайруллаев ва Амирбек Сайфуллаев барча рақиблари устидан ғалаба қозонди.

– Мамлакатимиз вакилларининг халқаро майдондаги улкан ютуқларида болалар спорти мустаҳкам пойдевор бўлмоқда, – дейди мусобақа бош котиби Шаҳобиддин Бобоев. – Жумладан, ўзбек дзюдо мактаби дунёда етакчилар қаторида эътироф этилаётир. Ришод Собиров, Дилшод Чориев, Рамзиддин Саидов каби полвонларимиз Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида ғолиб ва совриндор бўлгани бунинг тасдиғидир.

Мусобақа якунига кўра, Фарғона вилояти вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни, Бухоро ва Тошкент вилоятлари спортчилари кейинги ўринларни эгаллашди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири

МУРАББИЙЛАР СЕМИНАРИ

Ўзбекистон паралимпия ассоциацияси ташаббуси билан пойтахтимизда паралимпияга ихтисослашган мактаб-интернатларнинг ўқитувчилари, спорт мураббийлари иштирокида инклюзив таълимни ривожлантириш бўйича семинар уюштирилди.

Унда ўқитувчи ва мураббийларга ушбу спорт тури билан шуғулланаётган имконияти чекланган ёшларга инклюзив таълим бўйича сабоқ бериш, паралимпия спорт турларини ёшлар орасида янада ривожлантиришга эътибор қаратиш, паралимпия спорт турлари билан шуғулланишни истаган ёшларга спорт интернатларида, спорт мажмуаларида янада қулай шароитларни яратиш масалалари муҳокама этилди.

Анжуман қатнашчилари паралимпия спорт турлари бўйича янги қоидалардан хабардор этилди. Муҳими, бу борада ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш режалари тадбир қатнашчилари томонидан белгилаб олинди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗНИНГ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида енгил атлетика бўйича ёпиқ иншоотлардаги VI Осиё чемпионати якунланди.

Мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта олтин, тўртта кумуш ва битта бронза медалларини қўлга киритдилар.

Осиё енгил атлетика ассоциацияси томонидан 2004 йилдан буён ўтказиб келинаётган қитъа чемпионатида спортчиларимиз шу пайтгача биттадан олтин ва кумуш ҳамда бешта бронза, жами еттита медалга эга бўлган эдилар.

Ханчжоу шаҳри мезбонлик қилган чемпионатда терма жамоамизга дастлабки олтинни София Бурхонова қўлга киритди. У ядро улоқтириш баҳсларида 16 метру 80 см натижани қайд этиб, хитойлик Виан Кани ҳамда Хитой Тайпейи вакиласи Лин Чиа-Йингни ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллаган бўлса, баландликка сакраш бўйича ёшлар ўртасида Осиё ўйинлари ғолиби Светлана Радзивил 196 сантиметрлик маррани забт этиб олтин медалга сазовор бўлди. Уч хатлаб сакраш баҳсларида олтин медаль учун икки атлетимиз Анастасия Журавлёва ҳамда Александра Котлярова ўзаро курашди. Ушбу курашда Анастасия ғолиб чиқди ва терма жамоамиз ҳисобига учинчи олтинни келтирди. Александра эса кумуш медаль билан тақдирланди.

Узунликка сакраш баҳсларида иштирок этган умидли спортчимиз Дария Разниченко 6 метру 30 сантиметр натижа билан кумуш медалга эга бўлди. 3985 очко қайд этган Юлия Тарасова кўпкураш баҳсида иккинчи ўринни эгаллади.

Эркаклар ўртасида эса Леонид Андреев ҳам кўпкураш бўйича иккинчи бўлди.

Остона шаҳрида «Челенжер» серияси га кирувчи турнирда иштирок этаётган ҳамюртимиз Фаррух Дўстов мусобақанинг биринчи даврасини ғалаба билан бошлади.

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

Фаррух 1 соату 7 дақиқа давом этган учрашувда россиялик Карен Хачановни 6:3, 6:4 ҳисобида енгди.

Чехиялик Ян Мантель ва россиялик Михаил Бирюков ўртасидаги баҳсда ғолиб чиққан теннисчи, мусобақанинг иккинчи даврасида Фаррух Дўстов билан куч синашади.

МАВСУМОЛДИ СИНОВИДАН ЎТИШДИ

Ўзбекистон кубоги соҳиби ва амалдаги мамлакат чемпиони Тошкентнинг «Бунёдкор» клуби испаниялик Карлес Кото билан шартнома имзолади.

26 ёшли ушбу футболчи «Барселона» футбол академиясининг тарбияланувчиси ҳисобланади. У футболдаги фаолиятини Бельгиянинг «Муокрон» клубида бошлаган. Кейинчалик Испаниянинг «Севилья» ҳамда «Бенидор» жамоаларида тўп сурган. Испаниянинг U-16 ва U-19 терма жамоаларига ҳам жалб қилинган. Карлес Кото майдон марказида ҳаракат қилади.

«Бунёдкор»нинг мавсумолди кўригидан туркманистонлик Арслонмурод Омонов, словакиялик Камил Капунек, украиналик Сергей Симоненко, Руслан Аблитаров ва Вячеслав Шарпарлар ҳам ўтганлиги хабар қилинмоқда.

Сергей Симоненко ва Карлес Кото ҳаракатлари жамоанинг мураббийлар штабига маъқул келган.

«Янги мавсумда «Бунёдкор» таркибида ҳимоячи Сергей Симоненко, ярим ҳимоячи Карлес Кото ва ҳужумчи Олександр Пищурдан иборат легионерлар тўп сурадиган бўлди. Ҳозирча осиёлик футболчи учун ажратилган ўрин бўш турибди», — дейишди жамоа матбуот хизматида.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан хусусий тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинган бошқарма ва туман бўлимларининг ишонч телефонларини маълум қиламиз.

№	Бошқарма ва туман бўлимлари	Ишонч телефони рақамлари
1	Бошқарманинг навбатчилик қисми	241-92-05
2	Бектемир туман бўлими	295-18-90
3	Мирзо Улуғбек туман бўлими	237-44-82
4	Миробод туман бўлими	215-67-07
5	Олмазор туман бўлими	228-01-00
6	Сергели туман бўлими	258-75-71
7	Учтепа туман бўлими	271-52-06
8	Ҳамза туман бўлими	289-59-88
9	Чилонзор туман бўлими	271-12-56
10	Шайхонтоҳур туман бўлими	230-31-85
11	Юнусобод туман бўлими	234-20-67
12	Яккасарой туман бўлими	250-13-66

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ МАТБАА-НОШИРЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

1.Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари.

2.Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари.

3.Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари

ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Директор ўринбосарларининг малака талаблари ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумотга эга бўлиши, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам эмас.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-31.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Учтепа филиалига тегишли бўлган 1648576-1648600 рақамли 25 дона, 1721636-1721650 рақамли 15 дона жами 40 (қирқ) дона қатъий ҳисобда турувчи ТХ-1Ш патта китобчалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **20 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва куннинг биринчи ярмида ёмғир ёғиб қорга айланиши мумкин. Ғарбдан секундига 5-10 метр, кучайган ҳолатда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1 даража совуқ ва 1 даража илиқ, кундузи — 5-7 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **20 ва эрталаб 21 февралда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 256

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13075 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5